

“ПАХТА ИШИ”, “ЎЗБЕК ИШИ”


ХАЛҚ БОШИДА ЧАРХ УРГАН ҚУЗҒУНЛАР

Совет даври тарихида большевизмнинг халққа қарши олиб борган ёвузона қатағон сиёсати ва амалиёти элимиз хотирасида ҳамон сақланмоқда. Хусусан, Совет марказидаги айрим шовинист мустамлакачи унсурларнинг “Пахта иши”, “Ўзбек иши” номи остида миллатимизга қарши машъум қатағон сиёсати ниҳоятда фожиали тарзда юз берган...

4-5 бет

Саводсизликнинг илдизи қаерда: Ўқувчига телефон керакми?

8-бет



Handwritten signature or mark.


hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

- ✓ Энг сўнги хабарлар
- ✓ Ҳуқуқий маълумотлар
- ✓ Таҳлилий мақолалар
- ✓ Мурожаатга жавоблар

буларнинг барчасини ўзингиз кутган сайтда кузатинг

@hudud24official



ИНСОН ва ҚОНУН

30 июнь 2020 йил / № 22 (1226)

www.hudud24.uz

insonvaqonun@adliya.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

30 июнь — ЁШЛАР КУНИ

“ Азиз ўғил-қизларим, ҳеч қачон унутманг, халқимиз, Ватанимиз сизлардан буюк ишларни кутмоқда. Шу муқаддас ишонч ва масъулиятни ҳар томонлама оқлаш, унга муносиб бўлиш — дунёдаги энг улғу бахтдир. Шундай бахт, шундай шараф барчангизга насиб этсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Манзилга элтмайди майда қадамлар,
Майда орзуларга бермайлик қанот.
Майда гап-сўзларни қўйинг, одамлар,
Токи майдалашиб кетмасин ҳаёт.

Майда дардлардан ҳам асрангил, юрак,
Катта шеърятни сол, дилистонга.
Катта мақсад, катта қадамлар керак,
Катта йўлга чиққан Ўзбекистонга!

Меҳриноз АББОСОВА,
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи муассислигидаги
Республика ёш ижодкорлар кенгаши раиси,
Зулфия номидаги давлат мукофоти
совриндори

АДЛИЯ БЎЛИМЛАРИ:

ҲАР бир адлия ходими иш фаолиятида “фуқаролар адлия идоралари фаолиятдан рози бўлиши керак”, деган тамойилга қатъий ва оғишмай амал қилиши, адлия органлари ва муассасалари ходимлари камтар бўлиб, халқимиз олдида кўли кўк-сида бўлиб хизмат қилиши лозим.

Ҳудудий адлия органлари раҳбарлари “туман-шаҳар адлия бўлимлари бизнинг юзимиз” тамойилига қатъий риоя этиши ва уни амалда рўёбга чиқариш чораларини кўриши лозим.

2-3 БЕТ

MADAD

Huquqiy maslahat byurosi

Ҳуқуқий мадад
ҳаммага,
ҳар доим,
ҳамма жойда!

6 БЕТ

“

ХАР бир адлия ходими иш фаолиятида “фуқаролар адлия идоралари фаолиятдан рози бўлиши керак”, деган тамойилга қатъий ва очишмай амал қилиши, адлия органлари ва муассасалари ходимлари камтар бўлиб, халқимиз олдида кўли кўксиди бўлиб хизмат қилиши лозим.

Худудий адлия органлари раҳбарлари “туман-шаҳар адлия бўлимлари бизнинг юзимиз” тамойилига қатъий риоя этиши ва уни амалда рўёбга чиқариш чораларини кўриши лозим.



Русланбек ДАВЛЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазири

АДЛИЯ БЎЛИМЛАРИ

“КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ” БАҲОНАСИДА БОҒЧА ХОДИМЛАРИ “ЎЗ ҲИСОБИДАН” ТАЪТИЛГА ЧИҚАРИЛДИ

ЯҚИНДА Тошкент вилояти Олмалик шаҳридаги 16-сонли давлат ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаси тарбиячи ҳамда хизматчиларнинг ҳуқуқлари тикланиб, уларга ўртача ойлик иш ҳақлари ундириб берилди.

Гап шундаки, Олмалик шаҳридаги 16-сонли давлат ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасида ўтган йилнинг 16 май санасидан эътиборан капитал таъмирлаш ишлари бошланган эди. Боғча мудираси эса тарбиячи ҳамда бошқа ходимлардан ёзма равишда ариза олиб, уларга “ўз ҳисобидан” таътил бериб юборган.

Олмалик шаҳар адлия бўлими томонидан ишчи-ходимларнинг мурожаати асосида ўрганиш ўтказилганда, иш берувчилар томонидан бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Меҳнат кодексининг 159-моддасида ходимнинг айбисиз яроқсиз махсулот тайёрланганда ва бекор туриб қолган вақтда унинг ўртача иш ҳақи сақланиши белгиланган. Юқоридаги ҳолатда ҳам ходимларнинг ҳеч қандай айби йўқ. Бундан ташқари, мактабгача таълим муассасаси мудираси ходимларнинг ишламай туриб қолган даврида бошқа меҳнат билан шуғулланишини таъминлаш бўйича тегишли юқори турувчи органга мурожаат билан ҳам чиқмаган.

Адлия бўлими томонидан Олмалик шаҳар 16-сонли “Камалак” номли ИДМТМ ҳамда Олмалик шаҳар мактабгача таълим бўлими раҳбариятига тақдимнома киритилди. Шундан сўнг мактабгача таълим муассасасининг ходимларига компенсация тўлаш ҳақидаги буйруғи қабул қилинди, бироқ Олмалик шаҳар мактабгача таълим бўлимининг ҳисоб рақамида маблағ бўлмаганлиги сабабли, 2019 йилнинг август ойидан жорий йилнинг 1 март кунигача бўлган давр мобайнида ишламай турган барча ишчи-ходимларга иш ҳақи ва компенсация пулларини ундириб бериш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судига жами 41 та даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарорларига асосан боғча ходимларига Олмалик шаҳридаги 16-сонли давлат ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаси ҳисобидан жами 121.252.000 сўм миқдоридagi пул маблағи ундириб берилди.

С.СОДИҚОВ,
Тошкент вилоят Олмалик шаҳар
адлия бўлими бош маслаҳатчиси

Пенсия идорасидагилар НЕГА АДАШДИ?

ФУҚАРОЛАР Р.Гуламов ва М.Гуламовалар пенсия суммасининг қисқартирилгани ва ортиқча тўланган сумма ҳар ойда пенсияларидан ушлаб қолинаётганидан норози бўлиб, Жиззах шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилишди.

Аниқланишича, Жиззах вилоят молиявий назорат бошқармасининг ўрганиш далолатномасига асосан эр-хотин Р.Гуламов ва М.Гуламоваларга 2012 йилда пенсияга чиқишлари арафасида тўланган мукофот пуллари иш ҳақи ҳисоблаш китобига киритилмаган ва белгиланган тартибда сугурта бадаллари тўланмаган деган ваз билан Р.Гуламовга охириги уч йилда 1 201 000 сўм, М.Гуламовага 1 665 000 сўм пенсия пули ортиқча тўланган, деб топилган. Шунга асосан Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Жиззах шаҳар бўлими томонидан тайинланган пенсия қайта ҳисоб-китоб қилинган. Уларга тайинланган пенсия миқдори қисқартирилиб, ортиқча тўланган сумма қайтарилиши кераклиги тўғрисида қарор чиқарилган.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 164-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш учун ходимнинг розилигидан қатъи назар, меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш иш берувчи томонидан амалга оширилиши кўрсатилган. Ушбу ҳолда молиявий назорат бошқармасининг ўрганиш далолатномасида инobatта олинмаган.

Шунга кўра, Р.Гуламов ва М.Гуламовалар манфаатини кўзлаб судга шикоят аризаси киритилди. Суд томонидан Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Жиззах шаҳар бўлимининг қарори ноқонуний, деб топилди. Дастлабки тайинланган пенсиялар миқдори қайта тикланиб, ортиқча тўланган, деб қайтарилган суммалар пенсионерларга қайта тўлаб берилди.

МУХРИДДИН МУСУРМОНОВ,
Жиззах шаҳар адлия бўлими катта маслаҳатчиси

ЧИҚИНДИ УЧУН ТЎЛАНГАН ПУЛЛАР ҲИСОБ РАҚАМГА ТУШМАДИ

ШАЙХОНТОХУР туман адлия бўлимига Н.Мирзамухамедованинг мурожаати келиб тушди. Мурожаатда баён этилишича, фуқаронинг чиқинди учун тўлаган пуллари тегишли ҳисоб рақамга тушмаган.

Адлия бўлими мазкур ҳолатни Махсустрасан корхонаси билан биргаликда тўлиқ ўрганиб чиқиб, мурожаатда кўрсатилган вазлар асосли эканлигини аниқлади. Шундан сўнг Шайхонтохур туман Мажбурий ижро бюроси томонидан 2018-2019 йиллар учун тўлов тўлиқ фуқаро Н.Мирзамухамедова ҳисобига ўтказилиб, фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

М.ЯКУБОВ,
Шайхонтохур туман адлия бўлими
бош маслаҳатчиси



“ХОРАЗМ СУВ ТАЪМИНОТИ” КОРХОНАСИ 87 НАФАР СОБИҚ ИШЧИЛАРНИНГ ОЙЛИГИНИ ТЎЛАМАДИ

ТУПРОҚҚАЛЪА туман адлия бўлими томонидан “Туямўйин-Урганч” МСҚФБ ДУК Питнак шаҳар бўлими собиқ ишчи-ходимлари С.Рахимов ва бошқаларнинг ойлик маошлари берилмаганлигидан норози бўлиб қилган мурожаатлари ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида, ҳақиқатан “Хоразм сув таъминоти” корхонаси “Туямўйин-Урганч” МСҚФБ ДУК Питнак шаҳар бўлимида ишлаган 87 нафар собиқ ишчи-ходимларнинг 2020 йил февраль, март ва апрель ойларига ҳисобланган 212 647 952 сўм ойлик иш ҳақини тўламаганлиги аниқланди.

Ушбу қонунбузилиш юзасидан “Хоразм сув таъминоти” корхонасига тақдимнома киритилди.

Тақдимномага асосан, тўланиши лозим бўлган 212 647 952 сўм миқдоридagi иш ҳақи тўлиқ тўланди.

Турсунбой ЎРАЗБАЕВ,
Тупроққалъа туман адлия
бўлими етакчи маслаҳатчиси



СИЗНИНГ ТАЯНЧИНГИЗ

Ишдан асоссиз бўшатишдан “Агробанк” ходими қайта ишга тикланди

ФУҚАРО Б.Х. “Агробанк” АТБ Ўрта Чирчиқ туман филиали мини банкида 1-тоифали мутахассис лавозимида ишлаб келган.

2019 йилда Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 2-қисми, 1-бандига биноан, ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги асоси билан меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Меҳнат кодексининг 103-моддасида технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штат) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганди, ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ малакаси ва меҳнат унвондорлиги юқорида бўлган ходимларга, малакаси ва меҳнат унвондорлиги бир хил бўлган тақдирда қарамоғида икки ёки ундан ортиқ киши бўлган ходимларга, оиласида ундан бўлак мустақил иш ҳақи олувчи бўлмаган шахсларга ва мазкур корхонада кўп йиллик иш стажига эга бўлган ходимларга афзалликлар берилиши кўрсатилган.

Б.Х.нинг мурожаатини ўрганиш давомида “Агробанк” АТБ Ўрта Чирчиқ туман филиали томонидан меҳнат шартномаси бекор қилинишида Кодекснинг 103-моддасида белгиланган талабларга риоя қилинмаганлиги, яъни Б.Х.ни ишда қолдириш учун бериладиган имтиёзли ҳуқуқ қўлланилмаганлиги аниқланди. “Агробанк” АТБ Ўрта Чирчиқ филиалининг масъул шахсларига ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши натижасида Б.Х.ни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ бекор қилинди ва у қайта ишга тикланди.



Охунжон САТИМОВ,
Ўрта Чирчиқ туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси

“OPTIMA GAZ SERVICE” ходимларининг иш ҳақи ундирилди

“OPTIMA GAZ SERVICE” МЧЖга қарашли Оҳангарон туман “Убайд” МФЙда жойлашган автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчасидаги бир қанча ходимларга 2019 йилнинг ноябрь, декабрь ойлари ва 2020 йилнинг январь ойи учун ойлик иш ҳақи тўлаб берилмаган.

Меҳнат кодексининг 154-моддасида “Иш бевуви ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ушбу Кодекснинг 161-моддасида кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт”лиги таъкидланган.

Мурожаатларни ўрганиш давомида тўпланган ҳужжатлар асосида фуқаро И.П.га 1 430 233 сўм, Х.К.га 1 430 233 сўм ва А.Т.га 1 444 515 сўм миқдордаги ойлик иш ҳақини ундириш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судига даъво аризалар киритилди.

Жорий йилнинг 24 март куни фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро суди томонидан аризалар қаноатлантирилиб, иш ҳақларини ундириш ҳақида суд буйруғи чиқарилди.

С.ҲАКИМОВ,
Оҳангарон туман адлия бўлими бошлиғи

2 МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ АСОССИЗ ҲИСОБЛАНГАН ПЕНЯ БЕКОР БЎЛДИ

ОЛМАЗОР туман адлия бўлими томонидан ўтказилган сайёр қабуллардан бирида “Хуррий” кўчасида яшовчи А.Саидов Олмазор туман газ таъминоти корхонаси томонидан асоссиз ҳисобланган пеня суммасини бартараф қилишда амалий ёрдам бериши сўради.

Мазкур мурожаат юзасидан адлия бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Яққасарой туманлараро судига фуқаро А.Саидов манфаатини кўзлаб, даъво аризаси киритилди.

Ариза фуқаролик ишлари бўйича Яққасарой туманлараро суди томонидан қўриб чиқилиб, даъво қаноатлантирилди ҳамда асоссиз ҳисобланган 2.517.869 сўм пеня бекор қилинди.

Жасур ЭЛАМАНОВ,
Олмазор туман
адлия бўлими етакчи
маслаҳатчиси

КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАНМАДИ:

Тугатилаётган
корхона ишчилари
мурожаати

ГУЛНОЗА Сарджонова Чилонзор туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига компенсация пули тўлаб берилиши масаласида мурожаат қилади, бироқ натижа бўлмади.

Маълум бўлишича, Учтепа миллий хунармандчилик касб-хунар коллежининг тугатилиши муносабати билан Г.Сарджоновага компенсация тўланмаган. Аслида, Меҳнат кодексининг 67-моддасига асосан, тугатилаётган корхоналарнинг маблағи бўлмаган тақдирда, ходимларга компенсация Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлашиши керак.

Компенсация пули тўлаб берилиши белгиланган бўлса-да, улар томонидан Меҳнат кодекси талаблари бузилганлиги аниқланди.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб мурожаат юзасидан Чилонзор туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига огоҳнома киритилди, Г.Сарджоновага компенсация пули ўрнатилган тартибда ҳисоб-китоб қилиниб, тўлаб берилди.

Достон ОЧИЛОВ,
Чилонзор туман адлия бўлими
етақчи маслаҳатчиси



СОЛИҚҚА
МЎЛЖАЛЛАНГАН
135
МИЛЛИОН ТЕЖАБ ҚОЛИНДИ

АДЛИЯ вазирлигининг огоҳлантиришига қарамадан экспорт қилувчи корхоналар фаолиятида ҳамон турли тўсиқлар учраб турибди. Бу асосан янги қабул қилинган норматив ҳужжатларни яхши тушунамлик ва эскича тартиб асосида иш кўриш натижасида юзага келмоқда.

Новоий вилоятда фаолият юритаётган “O’zEgaeCable” масъулият чекланган жамияти ҳам 504 900 АҚШ доллари миқдорда экспорт шартномалари имзоланганига қарамадан, экспортга чиқарилаётган маҳсулотлар учун солиқ ставкаси ундирилишидан норози бўлди. Ваҳоланки, Солиқ кодексининг 260-моддасида экспорт товарларга нисбатан ноль даражали ставка бўйича солиқ солиниши белгилаб қўйилган. МЧЖ мутасаддиларининг мурожаатига кўра, вилоят адлия бошқармаси аралашувидан сўнг вазиятга ойдинлик киритилди.

Мазкур экспорт қилувчи корхонага солиқ идоралари томонидан Президентимизнинг 2017 йил 27 декабрдаги 3454-сон қарорига асосан қўшилган қиймат солиғи қўлланилган. Аммо 2020 йилда қабул қилинган Солиқ кодексининг янги тахририда эса бу қиймат ногла тенлаштирилганлиги инobatга олиниши лозим эди.

Вилоят адлия бошқармасининг қонуний талаби асосида тадбиркор манфаатлари ҳимоя қилинди ва унинг экспортга чиқарган 105 682 АҚШ доллари миқдордаги маҳсулотларидан 135 миллион сўм тежаб қолинди.

Азиз АҲМЕДОВ,
Новоий вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

КЕЧАГИ КУННИ УНУТИБ БЎЛМАЙДИ

“ПАХТА ИШИ” ҚАНДАЙ ВУЖУДГА КЕЛГАН ЭДИ? МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ...

БУГУН устоз Абдусамат Полвонзода қаламига мансуб шу номдаги мемуар мақолани ўқиб чиқдим.

Илгари ҳам “Пахта иши”га алоқадор гап-сўзларни эшитган, айрим материаллардан хабардор бўлсам-да, ўзбек миллатига қарши бундай жирканч фитнанинг муҳим тафсилотлари, Гдлян, Иванов сингари жиноятчилар тўдасининг ифлос қилмишлари тўғрисида кўп маълумотга эга эмас эканман.

Уша даврларда Ўзбекистон ССР Олий Кенгагининг “Пахта иши” бўйича комиссияси раис ўринбосари бўлган Абдусамат Абдухамидович ушбу мақолада “десантчилар”нинг қабих жиноятлари ҳақида олдин баён қилинмаган тафсилотларни ошкор этиш орқали фожиа кўлами ва даҳшатини янада аниқроқ тасаввур қилиш имконини тақдим этган.

Ушбу ишда тергов тегирмонига тушган 20 000 га яқин қишлоқ хўжалик ходимларидан 4500 дан зиёди айбдор, деб топилиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум этилган.

Масалага тааллуқли 40 000 жилдга яқин жиноят ишлари вилоят судларидан Олий суд ихтиёрига келтирилиб, синчиклаб ўрганилади.

Бу ишларнинг ташкил этилиши, умуман, адолат қарор топишида Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг, комиссия раиси И.Жўрабеков, ўринбосари А.Полвонзоннинг ҳиссалари катта. “Пахта иши” фитнасини юридик жиҳатдан “синдириш”, унинг буткул қонунсизлик, адолатсизлик асосида ташкил этилганини исботлаш асосан Абдусамат Абдухамидович бошчилигидаги юристлар жамоаси гарданига тушади.

Мақолани ўқиб, бу иш жуда юқори савияда ташкил этилганлигига амин бўламиз.

Ҳали Собиқ Иттифоқ мавжуд пайтда Ўзбекистон Олий судининг Иттифоқ Олий суди билан юридик жанги қанчалик оғир бўлганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Очққ курашда мағлубиятни ҳис қилган Иттифоқ суди маъмурий йўл билан мамлакатимиз Олий судига қаттиқ босим ўтказишга ҳаракат қилади. Жавобни эса кенг омманинг олдида забардаст давлат раҳбари И.Каримов беради:

“СССР Олий суди “Пахта иши” бўйича бизга тазйиқ ўтказмоқда, лекин улар билсинларки, Ўзбекистоннинг ўз Олий суди бор, бизлар Москвадан бериладиган маслаҳатларга муҳтож эмасмиз!”.

Мақолада муаллиф устози Б.А.Блиндер билан “Пахта иши” масаласини муҳокама қилар экан, профессор М.Д.Луцкийнинг “Ҳақиқий ҳуқуқшунос ҳуқуқнинг туб маъносини, адолатни ҳис қила билиши, ўзининг принципларидан қайтмасдан собитқадам туриши лозим”, деган сўзларини эслайди ва унга амал қилишини таъкидлайди.

Суд ва адлия тизимида ўзининг мактабини яратган Абдусамат Абдухамидовичнинг ушбу қатъий позицияси шогирдларига ҳам ўтган, десак муболага бўлмайди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев бошчилигида олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларини мантиқан давом эттириш, яқунлаш бугунги кунда адлия тизими олдида турган энг устувор вазифалардан биридир.

“Пахта иши” қандай вужудга келган эди?” мақоласи “Водийнома” журналида чоп этилди. Уни барча юристларга ўқиб чиқишни тавсия этган бўлар эдим.

Худоёр МЕЛИЕВ,
Адлия вазири ўринбосари

“ПАХТА ИШИ”,

Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
юрист Абдусамат
Полвонзода Олий

суд раисининг биринчи ўринбосари, Олий суд раиси вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаган йилларда “Пахта иши”ни қайта кўриб чиқиш бўйича ҳукуват комиссияси раисининг ўринбосари сифатида самарали фаолият кўрсатган.

Куйида таниқли юрист Гдлян ва Иванов тергов гуруҳининг ноқонуний фаолияти, “Пахта иши” ва уни қайта кўриб чиқиш жараёнида юзага келган муаммолар ҳақида ҳикоя қилади...

**Абдусамат
ПОЛВОНЗОДА**



ЎЗБЕКИСТОННИНГ
Совет даври тарихида
большевизмнинг халққа

қарши олиб борган ёвузона қатагон сиёсати ва амалиёти элимиз хотирасида ҳамон сақланмоқда. Хусусан, Совет марказидаги айрим шовинист мустамлақачи унсуларнинг “Пахта иши”, “Ўзбек иши” номи остида миллатимизга қарши машъум қатагон сиёсати ниҳоятда фожияли тарзда юз берган. Шу боис бўлса керак, ана шу мудҳиш қатагон даҳшатларининг ижодкорлари бўлмиш Гдлян ва Ивановларни жиний жаобгарликка тортиш масаласи ўша даврни яхши билган инсонлар орасида ҳам, ёшлар орасида ҳам тез-тез кўтарилмоқда. Мен бу фикрни қўлаб-қувватлайман. Бугунги кунда ҳам Гдлян ва Ивановларнинг Ўзбекистон халқига нисбатан содир этган ўта оғир жиноятларига ҳуқуқий баҳо бериш имконияти мавжуд.

Гдлян ва Ивановнинг қилмишларини ёқловчилар ҳам йўқ эмаслиги бор ҳақиқат. Бунинг сабаби шундаки, улар юртимизнинг яқин ва чин тарихини яхши билмайдилар, англамайдилар. Ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимизни билганларида эди, уларни ҳеч қачон ёқламаган бўлар эдилар.

Уша даврда юз берган воқеалар ҳақида кенгроқ тўхталиш учун анча описларда қолиб кетган воқеаларга мурожаат қилишимизга тўғри келади. 1983-1989 йиллар халқимиз учун ниҳоятда оғир йиллар бўлган, деб айтсак ҳеч адашмаган бўламиз. Қарийб 25 йил давомида Ўзбекистонни бошқариб, қолюқ аграр республикадан санатчи ривожланган, қатор-қатор собиқ Иттифокда ягона саналган завод-фабрикалари бор, муҳандис кадрларга эга бўлган республикага айланган беназир инсон Шароф Рашидовнинг бевақт ўлимидан сўнг Ўзбекистонда қатагон қилини ишга солишга шай бўлиб турган Марказ томонидан тўхмат тўшларийотила бошланган. Улар юртимизга бостириб кириш учун баҳона қидира бошлади. Баҳона эса топилди.

1983 йилда Бухоро вилоят Ички ишлар бошқармасининг ОБХСС бошлиғи А.Музаффаров бир савдо ходимидан пора олаётган пайтда қўлга тушиб, ҳибсга олинди. Бу ишни тергов қилиш пайтида Бухоро вилоят савдо идорасининг раҳбарларидан бири Ш.Қудратов ўзи раҳбарлик қилаётган идорадаги савдо ходимларидан пора олиши ва партия, совет ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бошлиқларига пора бериши ошкор бўлиб, у ҳам қамоққа олинади ва тергов ҳаракатлари бошлаб юборилади.

Порахўрлик, табиийки, жамиятнинг илдизлирига болта урадиган оғир жиноятлардан бири. Лекин у СССР микёсидаги тергов идоралари шуғулланадиган жиноятлар сирасига мутлақо кирмас, бундай жиноятларни, одатда, республикамизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ўзлари ҳам бемалол тергов қилишлари мумкин эди.

Аммо 1920 йилдан то СССР давлати тарқалгунга қадар хар ўн йилда қатагон қиличини ишга солиб, халқни даҳшатда, қўрқувда ушлаб туришга одатланди қолган марказга айнаи шу машъум воқеа Ўзбекистонга бостириб кириш учун баҳона бўлди. Марказ Музаффаров ҳамда Қудратовнинг ишини тергов қилишни Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларидан олиб, СССР Прокуратурасига топширди, Гдлян ва Ивановлар эса СССР Прокуратураси томонидан тузилган тергов гуруҳига бошлиқ қилиб тайинланди ва уларга жуда катта ваколатлар берилди, ўз фаолиятларини олиб бориш учун ҳатто харбий вертолётлар, техника ва қуролланган солдатлар ҳам бириктириб қўйилди. Шундан сўнг улар Ўзбекистонда мисли кўрилмаган зўравонликдан иборат ўта жирканч, мудҳиш фаолиятларини бошлаб юборишди.


Шуни таъкидлаш жоизки, СССР прокуратураси бошқарма бошлиғи, генерал Виктор Иванович Илюхин ўзининг “Қабоҳат

ёхуд...” деб номланган китобида Гдлян ва Иванов СССР прокуратурасига таниш-билишлари орқасидан келиб қолган, малакаси паст, маданиятсиз, хавфли жиноятчи терговчилар эди, деб баҳо берган. Мен бу фикрга юз фоиз қўшиламан.

Ҳақиқий терговчи ўз фаолиятини қонун талабларидан келиб чиқиб, фақат факт ва далилларга асосланган ҳолда амалга ошириши, айбланувчини ҳам қоралайдиган, ҳам оқлайдиган жиҳатларини адолат тарозисига солиб кўргандан кейингина у ёки бу одам ҳақида узи-кесил хулосага келиши лозим.

Гдлян ва Иванов ҳамда улар бош бўлган тергов гуруҳи аъзолари ҳам ўз фаолиятини жиноят процессининг ушбу талабларига амал қилган ҳолда олиб боришлари шарт ва лозим эди. Аммо улар узоқ олти йил мобайнида қонунларни сурбетларча оёқости қилиб келдилар. У ёки бу одамни ҳибсга олмақчи бўлсалар, бировларни мажбурлаб унинг устидан сохта кўргазма ёздириб олишар, сўнг шу кўргазма асосида ўша одам қамоққа олинар, энди ундан яна бир бошқа кишига нисбатан кўргазма ёздириб олишарди. Ўз мудаоаларига эришиш учун гумонланувчиларни ваҳишана қийноқларга солиш, хотини, болаларини қамаш йўли билан ёлғон кўрсатмалар ёздириб юзлаб ҳамюртларимизни қамашди. Чунки уларнинг иш принципи мана шундай ноқонуний усул асосига қурилган эди.

Тергов гуруҳи бирин-кетин Бухоро вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи генерал Муин Норов ва унинг икки ўринбосари полковник Шамси Раҳимов, подполковник Владимир Мулин, сўнгра генерал Хушвақт Норбўтаев, генерал Ислому Сатторов, генерал Салим Собиоров, полковник Тўра Хайитов, полковник Музаффар Алимов, И.Позилхонов ва ички ишлар вазирлигининг яна бир қатор раҳбарларини тўқиб чиқарилган айблар билан ҳибсга олди.



“ЎЗБЕК ИШИ”:

халқ бошида чарх урган кузғунлар

ХИТОБ
ХИТОБ
ХИТОБ

Ахир, биз азамат Ўзбекистонмиз, Пахта, газ, ҳоказо бойликка қонмиз, Нега биз муҳтожмиз, юраги қонмиз, Халқнинг орасидан чиққан одамлар.

Абдулла ОРИПОВ
1989 йил 30 май



Гдлян ва Иванов: улар Ўзбекистонга “сафар қилиш” олдидан нималарни режалаштиргани, афсуски, халқимизга номаълум эди

Бу жараён бутун республика бўйлаб давом эттирилди.

1984 йилда Ўзбекистон учун яна бир кўнгилсиз воқеа юз берди. Шу йили Ўзбекистон Марказқўмининг ўн олтинчи пленуми бўлиб ўтди.

Бу пленум Ўзбекистон Марказқўми ходимлари томонидан эмас, бошдан-оёқ КПСС Марказий Комитети котиби, сиёсий бюро аъзоси Е.К.Лигачев бошчилигида у билан бирга Марказдан келган ходимлар томонидан тайёрланган бўлиб, Ўзбекистонни қора бўёққа бўяб ташлаган Марказқўм биринчи котибининг маърузаси ҳам улар томонидан ёзилди ва Марказқўмининг биринчи котибига минбарга чиқиб, маърузани фақат ўқиб бериш вазифаси юкланганди, холос. Маърузада пахта етиштириш ва давлатга топширишда кадрлар қатъиятсизлик кўрсатилгани, қўшиб ёзишларга йўл қўйилгани алоҳида таъкидланди. Ваҳоланки, Ўзбекистоннинг 65 фоиз аҳолиси ўша пайтларда фақат пахта етиштириш билан шуғулланар, миллионлаб одамлар — мактаб ўқувчилари, талабалар марказнинг топшириги билан декабрь, ҳатто январь ойларида ҳам пахта териш билан мажбурдир, деярли текинга шуғулланарди. Йиғиштирилган ҳосил эса паст нархларда Марказга жўнатиларди. Марказ йил сайин Ўзбекистонда пахта тайёрлаш режасини ошираверган. Қисқа вақт ичида тўрт миллион тоннадан режа олти миллион тоннагача кўтарилди. Бу Брежневнинг талаби эди. Қўшиб ёзиш ҳақида гап кетганда давлатга пахта топширишда бор-йўғи 2-3 фоиз қўшиб ёзиш бўлган, холос. Ана шу қўшиб ёзишларнинг асосий илҳомчиси ва ташкилотчиси Москванинг ўзи бўлган эди. Ўзбекистондан Марказга минглаб хатлар юборилган. Бу хатларда пахта етиштириш учун сув етишмаслиги, Орол денгизининг қуриши, пахта учун берилаётган ма-

блаб нияоятда оз миқдордалиги, колхозчилар иқтисодий аҳоли, турмуш тарзининг ўта ачинарли ҳолати, пахта зараркунандаларига қарши ишлатиладиган гербицидларнинг инсон соғлиғига кўп зарар етиши натижасида кўплаб пахтакорлар захарлангани, уларнинг катта қисми дардга чалиниб ўлиб кетганлиги, устига-устак пахта меҳнати учун тўланадиган ҳақ нияоятда камлиги асослаб берилган эди. Аммо Марказ минглаб пахтакорларнинг оху зорига пинак бузмаган. Ҳаттоки, Марказ раҳбарларидан бири Ўзбекистондан умуман пахта олмастик, пахтамини Мисрдан олиш мумкинлигини айтиб, пахта харид нархини кўтаришга қарши турган. Дунёда ҳеч бир халқ мана шундай оғир шароитларда ишлашга мажбур қилинмаган. Порахўрлик эса биргина Ўзбекистон эмас, бутун Совет империясига хос иллат эди. Ўн олтинчи пленум материалларида бу ҳолат мутлақо инobatта олинмади. Бу эса ўта адолатсизлик эди.

Маърузада Ўзбекистон Марказий Қўмитасининг фаолияти қониқарсиз, деб топилди ва марказдан Ўзбекистонга кадрлардан ёрдам бериш сўралди ва шу ҳақда тегишли қарор қабул қилинди. Шундан кейин Ўзбекистонда минглаб маҳаллий кадрлар ишдан бўшатилди. Шароф Рашидовдек улуг инсоннинг юзига қора чалланди, Нўмон Бўрихўжаев, Виталий Александрович Зотов, Убайдулла Шодиев каби Ўзбекистон прокуратурасининг етук салоҳиятли раҳбар кадрлари ишдан ноҳақ бўшатилди ёки амали пасаитирилди. Ваҳоланки, бу инсонлар нияоятда покиза, юқори савияли, ҳақиқий профессионал юристлар бўлиб, улар ўзларига мос ҳуқуқий мактаб яратишганди.

Яна кўплаб миллий кадрларимиз тўқиб чиқарилган айблар билан айбланиб, узоқ муддатларга қамоққа ташландилар.

Шундан сўнг республикамиздаги турли раҳбарлик лавозимларига Марказдан кадрлар кела бошлади. Масалан, Марказқўм иккинчи котиби этиб Анишчев, Министрлар Совети раиси ўринбосари этиб Огарок, Олий Совет раисининг ўринбосари лавозимига Романовский тайинланди. Тошкент шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби этиб Сатин сайланди. Республика прокурорлигига Бутурлин, унинг ўринбосарлигига Гайдаонов, тергов бўлимининг бошлиқлигига Лаптев, ички ишлар вазирлигига биринчи ўринбосар бўлиб Дидоренко келди. Барча вилоятларда обкомнинг иккинчи котиблари, вилоят прокурорларининг кўпчилиги, вилоят суди раисларининг ўринбосарларининг барчаси Марказдан келганлардан қўйилди.

Бир сўз билан айтганимиз бўлсак, улар ҳукмронликни тўла қўлга олиб, юртимизда “Пахта иши”, “Ўзбеклар иши”, деб аталган ишлар бўйича қатагонни авж олдирдилар.

Гдлян ва Ивановлар учун бу ўзгаришлар аини мудоао бўлди. Энди улар нимани хоҳлашса, шуни бемалол бажара оладиган бўлди. Бу ўринда шуни айтиш жоизки, Гдлян ва Ивановнинг тергов гуруҳи фақат юқори лавозимларда ишлаган шахсларга нисбатан тергов ҳаракатларини олиб борган, улардан икромлик кўргазмаларини олиш учун юзлаб қариндошлари, қўшнилари ва ҳатто танишлари қамоққа ташланиб, қийноққа тортилган. Уларга тегишли ҳужжатларнинг кўпласи жиноят ишларига қўшилмасдан яшириб қўйилган. Бу ҳужжатларнинг фақат бир қисмигина кейин топилган.


Марказқўмининг ўн олтинчи пленумидан кейин Ўзбекистонда раҳбар бўлиб ишлаганларни тўқиб чиқарилган айблар билан қамаш оммавий тус олди. Республика Министрлар Советининг раиси Нормухаммад Худойбердиев, Марказқўмининг котиби, сўнг Ўзбекистон Олий Совети президиуми раиси бўлган Оқил Умрзоқович Салимов, Министрлар Совети раисининг ўринбосари Бектош Раҳимов, собиқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги Абдулла Худойбергенов, Навоий вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби Валерий Павлович Есин, Ўзбекистон Пахта саноат вазирлиги Ваҳобжон Усмонов, Бухоро вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби И.Жабборов, Марказқўмининг иккинчи котиби Тимофей Николаевич Осетров, Марказқўмининг биринчи котиби Иномжон Усмонов, Самарқанд вилоят обкомининг биринчи котиби Назир Ражабов, Ички ишлар вазирининг ўринбосарлари Қаҳрамон Тоштемиров, Пётр Борухович Бегельман, Ёқуб Муҳаммаджонов ва бошқалар ҳибсга олиндилар.

Гдлянчилар томонидан фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини қасддан поймол қилишлари, ҳақоратлашлари, хўрлашлари, жисмоний ва руҳий эзашлари оқибатида бир қатор кишилар ўз жонларига қасд қилишга мажбур бўлдилар.

Пскент туман партия қўмитасининг собиқ биринчи котиби У.Я.Баходиров, милиция полковниги Хожимуродовлар тергов пайтида ўз жонларига қасд қилдилар. Қашқадарё вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби Р.Ғойипов Гдлян бошлиқ терговчилар қамоққа олиш учун уйларида келганларида ўзини ўзи ҳалок этади. 1984 йил 15 августда собиқ Ички ишлар вазирлиги Қ.Эргашев, 1985 йил 16 майда Ички ишлар вазирининг собиқ биринчи ўринбосари Г.И.Давидов ҳам гдлянчилар қўлига тушгандан кўра ўлимни афзал кўрди. Иккинчи жаҳон урушида немис фашистларига қарши мардонавор курашган, Сурхондарё вилояти, Сариевнинг туманидаги йирик агросаноат мажмуаси директори, меҳнат қаҳрамони Бобомурод Омонов эса тергов ҳибсхонасида соғлиғи кескин ёмонлашиб вафот этди. Бундай фожияли тақдирлар рўйхатини, афсуски, яна ва яна давом эттириш мумкин. Ушбу фожиялар туфайли юзлаб ўзбек оилаларига оғир мусибат кириб келди.

Кенг ваколатларга эга бўлган бу тергов гуруҳи ҳибсга олинган айбланувчиларга нисбатан терговнинг умуман ман қилинган усулларини қўллар, уларни ашаддий каллақесарлар билан бир камерага ўтқизиш, отува ҳукми қилиниши билан қўриқтиш, хотини, қизи, ўғилларини ҳибсга олиш, жисмоний ва руҳий қийнаш ва ҳоказолар орқали икромлик кўргазмаларини олиш оммавий тус олди. Гдлянчилар айбланувчилар юзига тупуриб таҳқирлар, “нешонанга зелёнка суриб қўяман” (отува ҳукми қилинсан дегани), ўзбекларни доғга осиб керак, деб дўқ урганлар ва ҳоказо...

Мазкур мақоланинг тўлиқ вариантини hudud24.uz сайти орқали ўқишингиз мумкин.





MADAD
Huquqiy maslahat byurosi

Биз Сиздан пул сўрамаймиз! Беминнат ёрдам берамиз. БИЗ ҲАММА ЖОЙДА БОРМИЗ!

Карантинда ҳужжатлар муддати узайтирилиши ростми?

— **ФАРЗАНДИМГА 2 ёшгача бериладиган нафақа оламан. Ҳозирда нафақа тайинланганлигига бир йил бўлди. Энди янгидан ҳужжат тайёрлашим керакми?**

— Президентимизнинг Фармонида “Жорий йилнинг март-июнь ойларида тўлаш муддати тугайдиган нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдамлар тўлаш уларни тўлашни янги муддатда давом эттириш тўғрисидаги ариза ҳамда бошқа ҳужжатларни талаб қилмаган ҳолда 6 ой муддатга (бирок бола тегишлича 2 ёшга ва 14 ёшга тўлгунидан кўп бўлмаган муддатда) танаффуссиз давом эттирилсин”, деб кўрсатилган. Шу сабабли, Сиз янгидан ҳужжат йиғмайсиз. Нафақа тўлаш тўхтатилмасдан тўлов давом эттирилади.



Қонун адашяптими ёки мен?

— **Уч нафар вояга етмаган фарзандимга ойлик иш ҳақимнинг 50 фоизи миқдоридан алимент тўлаيمان. Иш бериучи томонидан менга ўртача ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдоридан жарима ундириш бўйича интизомий жазо қўлланилди. Лекин қонунчиликда иш ҳақининг 50 фоизидан ортиғи ушлаб қолиниши мумкин эмаслиги белгиланган. Иш бериувчининг бу ҳаракатлари қонунийми?**

— Иш бериувчининг ҳаракатлари қонуний. Чунки Меҳнат кодексининг 164-моддаси, 4-қисмида алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни ва ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазо тайинланган ходимнинг иш ҳақидан 70 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда ушлаб қолиниши мумкинлиги белгиланган.

Кимларга грантда ўқиш учун квоталар берилади?

— **ЧИН етимларга кимлар киради? Уларга олий ўқув юртига грант асосида ўқишга киришга имтиёзлар борми?**

— Қонунчиликда ота-онаси вафот этган болалар чин етим ҳисобланиши белгиланган. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан Олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан “Меҳрибонлик уйи” ва Болалар шаҳарчасининг битирувчилари бўлган чин етимлар учун кўшимча равишда бир фоизгача давлат гранти асосидаги қабул квоталари ажратилиши белгиланган.

8 ойдан сўнг интизомий жазо қўллаш мумкинми?

— **ХОДИМНИНГ меҳнат интизомини бузганлиги 8 ой ўтгандан сўнг аниқланди. Унга интизомий жазо қўллаш мумкинми?**



— Ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб 6 ой ўтгандан, молия-ҳўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда эса содир этилган кундан бошлаб 2 йил ўтгандан кейин жазо қўллаб бўлмайди.

“Иш вақтим тугади, аммо ишим тугамади”

— **БИР корхонада ишлайман. Ишларимиз кўпайиб кетди. Узимнинг розилигим билан иш вақтимдан ташқари қанча ишлашим мумкин?**

— Ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатидан ташқари ишлаш иш вақтидан ташқари иш, деб ҳисобланади. Қонунчиликка кўра, ходим ўз розилиги билан иш вақтидан ташқари сурункасига 2 кун давомида 4 соатдан (меҳнат шароити оғир ва зарарли ишларда — 1 кунда 2 соатдан) ва йилига 120 соатдан ортиқ ишлаши мумкин эмас. Иш сменаси 12 соат бўлганда, шунингдек, меҳнат шароити ўта оғир ва ўта зарарли ишларда иш вақтидан ташқари ишларга, ходимнинг розилиги бўлган тақдирда ҳам йўл қўйилмайди. Шунингдек, ходимни сурункасига 2 смена давомида ишга жалб этиш тақиқланади.



Саволларга
“Мадад” НТТ бош мутахассиси
Аброр ЭЪЗОЗХОНОВ
жавоб берди.


Нафақалар миқдори ҳақида маълумот берсангиз?

— **ИЖТИМОЙ ва моддий нафақаларнинг аниқ миқдори ҳақида маълумот берсангиз?**



— Қонунчиликка кўра, ижтимоий ва моддий нафақаларнинг миқдори қуйидагича белгиланган:

- 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа:
 - битта болали оилаларга — 131 000 сўм;
 - иккита болали оилаларга — 217 000 сўм;
 - учта ва ундан ортиқ болали оилаларга — 304 000 сўм.
- Бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа — 434 000 сўм.
- Кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам — 326 000 сўмдан — 653 000 сўмгача.
- Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги муҳтож оилаларга бир марталик моддий ёрдам — 434 000 сўмдан — 1 085 000 сўмгача тўланади.



АЖРАЛИШЛАР, ТАЪМИНОТСИЗ ФАРЗАНДЛАР: Оила судларини ташкил қилиш вақти келмадими?

ПРЕЗИДЕНТ Шавкат Мирзиёев Конституциянинг 27 йиллиги бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: "Биз қанчалик мукаммал қонунларни яратмайлик, қандай ислохотлар ўтказмайлик, агар фуқароларимизнинг ҳуқуқий билими, онги ва маданияти етарли бўлмаса, кутилган натижаларга эришиш мушкул бўлади", деб таъкидлаган эди.

Биргина ўтган 2019 йилнинг ўзида 23000 га никоҳ бекор қилинганлиги ҳолати қайд этилган. Энг ёмони, ажралиш натижасида неча-неча мурғак қалблар вайрон бўлаётти, етим қоляпти. Бу нарсани ҳеч қандай статистик рақамлар билан изоҳлаб бўлмайди. Бу жараҳат изи фарзанд қалбиде умрбод қолади. Шу даврнинг ўзида 195 мингга никоҳ ҳам қайд этилган.

Биз ажримлар сабабларини тўрт йўналишга бўлиб ўргандик. Чунки асосан ажримларни шу йўналишлардаги сабаблар келтириб чиқараётгани аниқланди. Биринчидан, аввало, оиладаги доимий низола

оила аъзоларининг эр-хотин муносабатларига доимий аралашуви, эр ва хотин ўртасида ҳурматнинг йўқлиги туфайли ажрим юзага келади.

Иккинчи сабаби эса маънавий-ахлоқий тарбиянинг сустлиги, хиёнат, аёлга нисбатан зуравонлик, унга ҳаддан ортиқ юмушлар ва мажбуриятларнинг юкланишидир.

Учинчи сабаби оиланинг моддий ҳолати бўлиб, етишмовчиликлар, оиладаги уй-жой шароитининг қониқарсизлиги, эркакнинг оиласини моддий таъминламаслиги, меҳнат миграцияси, яъни эр ёки хотиннинг чет элга кетганилиги ва оиласи билан алоқани узгани туфайлидир. Оила бўзилишининг охириги сабабларидан бири эса бу соҳиб билан боғлиқ бўлган муаммолар ва бефарзандликдир.

Хар бир ҳудуднинг ўзига хос ажрим сабаблари борлиги учун фоиз даражасида ҳам статистика кўрсаткичлари турлича. Бирок республика бўйича 50 фоиздан кўпроқ ажримларни оиладаги доимий низола ташкил этиши тасдиқланди.

Никоҳ бекор қилиниши натижасида 20 га яқин муаммоли ҳуқуқий ҳолатлар келиб чиқиши мумкинлигининг ўзи ҳам никоҳланувчилар ҳаётидаги чигал вазиятлардан бири бўлиб қолади. Бу эса, ўз навбатида, жамиятдаги барқарор муҳитга салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Ҳозирда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида вазийлати ҳам ҳомийлик органлари фаолиятини янада тақомиллаштириш ва уларнинг ота-она қарамоғидан махрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда болаларга ғамхўрлик қилишдаги масъулиятини янада ошириш мақсадда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 48-моддаси ҳамда Оила кодексининг 199-моддасида болаларни тарбияла олмаган шахслар ўз ҳуқуқларидан газаргүйлик ёки бошқа нарсаняларга, тарбиясидаги болаларга зарар келтирган ҳолда фойдалансалар, шунингдек, уларни назоратсиз ҳамда зарур моддий ёрдамсиз қолдирсалар, вазийлик ва ҳомийлик органи

болаларни тарбияга олган шахсларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш масаласини кўзга тутилган.

Никоҳни бекор қилишда ўртада қолаётган фарзандларга вазийлик ёки ҳомийлик тайинланиши мумкинлиги, уларни моддий таъминот билан таъминлаш мажбурияти эр-хотиндан қайси томонда қилиниши аниқлаш ва ҳолатга оидиндан баҳо бериш судларнинг асосий вазифасидир.

Бугунги кунда болани моддий таъминлаш масаласида судлар томонидан чиқарилган қарорлар ва суд бўйруқлари билан алимент ундирилиши белгиланмоқда.

Аммо бу соҳада ҳам бир қанча муаммолар учраб турибди. Отанинг вояга етмаган болаларига берадиган таъминот меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 26,5 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Кўшимча ҳаракатлар ёки бола парвариси учун мазкур миқдорнинг камлиги, бу тўғрисида доимий муножаатлар учраб турганлиги эса ҳанузгача ўзининг муносиб ёчимини топтини йўқ. Шу билан бирга, алимент бўйича ундирувларнинг ҳам ўз вақтида амалга оширилмаслиги муаммо устига янги муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Шу сабабли, никоҳдан ажратиш вақтида вазийлик ва ҳомийлик масаласини, болалар тарбияси ва таъминоти билан боғлиқ ҳолатларни чуқур таҳлил қилиш, бу борада даяво талабларидан четта чиқиш масаласини инobat олмасдан ҳолатни кенг доирада кўриб чиқиш лозим бўлади.

Ёки халқаро доирадаги давлатлар, масалан, Япония, Германия қабилиранг илгор тажрибасидан фойдаланган ҳолда оила судларини ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Чунки айнан жамиятнинг устуни бўлган оилалар ва никоҳ муносабатларига алоҳида эътибор қаратиш билан соғлом муҳит ва ёрқин келажак яратиш имконияти кенгроқ бўлади.

Моҳира АЛИБЕКОВА,
"Мадад" нодавлат нотижорат ташкилоти Зангиота туман ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси

Нотариуслар МЕДИАТОРЛИККА тайёрми?

ЎЗБЕКИСТОН Республикасида нотариат институтининг асосий вазифаси нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши таъминлашга қаратилган.

Агар нотариал ҳаракатни амалга оширишда фуқаролар ўртасида низо вужудга келса, улар бу масалада судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, низолини ҳал қилишнинг муқобил усуллари билан бир бўлган медиация, низолининг ҳар қандай босқичида низолашуви тарафларни келиштиришига имконият яратади. Ўзбекистон Республикасининг "Медиация тўғрисида"ги Қонунда медиация тарафларнинг хоҳиш-истаги асосида суддан ташқари тартибда, низоли суд тартибиде кўриш жараёнида, суд ҳужжатини қабул қилиш учун суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киргунига қадар, шунингдек, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида қўлланилиши мумкин, деб таъкидланди.

Шунингдек, "Медиация тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан нотариусларнинг ҳам ушбу фаолиятни амалга оширилиши юзасидан "Нотариат тўғрисида"ги Қонунга қатор ўзгаришлар киритилди. Жумладан, нотариус медиатор вазифасини бажаришига доир алоҳида 611-модда билан, нотариус фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар, шу жумладан, мулкӣ ва мерос масалалари бўйича ўзаро мақбул қарор қабул қилиш учун тарафларнинг ихтиёрий розилиги асосида низола медиатор сифатида иш юритиши, тарафлар медиация тартиб-таомили натижасида ўзаро мақбул қарорга эришган тақдирда, нотариус тарафлар ўртасида тузилган медиатив келишувни тасдиқлаши белгиланди.

Шунингдек, нотариус низоларни ҳал қилишда медиация жараёнини ўтказиши лозим бўлади.

Медиация, бу ўз навбатида, масъулиятли ва мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки низоли баргараф этишда ҳар бир тараф табиийки, фақат ўз манфаатларига эришишга интилади. Бунда медиациянинг асосий принципларидан бири бўлган ихтиёрийлик принципи ҳам аҳамият касб этади. Муҳими, низолашуви тарафларнинг ҳар бири медиациядан фойдаланишига розилик бериши лозим. Агар бундай розилик бўлмаса, бу жараёни мажбурий тарзда ўтказиш мумкин эмас. Лекин нимагадир фуқаролар ўз муаммоларини фақат суд орқали ҳал қилишга одатланиб қолганлар. Бунинг асосий сабаби, низолашуви шахслар низоларни ҳал қилишда судга нисбатан анча афзал ва самарали усул ҳисобланган медиацияга доир кам маълумотга эга эканлиги бўлиши керак.

Нотариусларга медиаторлик вазифасини бажариши каби масъулият юкланган экан, низолашуви томонларини ҳар бири учун маъул бўлган қарор қабул қилиш ва уни самарали ўтказиш учун нотариус ўз касбий маҳоратидан ташқари, медиация жараёнида коммуникация ўрнатилиши ва низолашуви томонларнинг эмоционал ҳолатини бошқара олиш каби кўникмаларга ҳам эга бўлиши лозим. Бунда нотариусларнинг малака ва кўникмаларини ошириш аҳамиятини ҳисобланади. Чунки медиация жараёнининг самарали бўлиши нотариуснинг касб сабоқларини яхши эгаллашига жуда ҳам боғлиқ.

Шахло ИСМОИЛОВА,
Самарқанд шаҳар нотариуси

"ҒАМХЎРЛИК"

ёҳуд малакаси ўқитувчиларни рағбатлантиришнинг Хатирчи тажрибаси хусусида

ДУНЁ иморатлари ичида энг улуғи мактабдир, деган эди алломалардан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий. Ахир, бу кутлуг даргоҳда не-не олим фузалолар, буюк зотлар сабоқ олган, илм ўрганган. Шунинг учун ҳам ота-оналар фарзандларининг таълим олиб, етук инсон бўлиши учун ана шу кутлуг даргоҳга бутун умр талпинади, устоз-муаллимларга таъзим қилади. Уларни отамиздай улуғ инсон сифатида эъзозлашимиз, ҳурмат қилишимиз ҳам ана шундан.

Ажабо, биз улуглаётган ана шу илм-маърифат эгалари жиноятга қўл урса ёҳуд давлат пулини талон-торож қилса қанчалик мантӣққа тўғри келади?

Маъруфжон Ҳақбердиев ҳам ана шундай илмига амал қилмайдиган, сўзи бошқа, иши бошқа, тили бошқа, дили бошқа кимсалардан, бешта бармогини озига тикиб, давлат маблағини та-

лон-торож қилиш бўйича етарли "тажриба" тўплаган таълим ҳодимларидан чиқиб қолди.

У туман халқ таълими бўлимига мутахассис сифатида 2009 йилда ишга кирган, 2017 йил 7 ноябрдан 2019 йил май ойига қадар Хатирчи туман халқ таълими бўлимининг таълим сифатини мониторинг қилиш бўлимида инспектор-методист вазифасида ишлаб келиб, аттестациядан ўтувчи педагог кадрлар рўйхатига ўзгариштириш киритиш бўйича тақлифлар бериш каби вазифаларни бажариш чоғида ўзининг айёрони эгри мақсадларини кўзлаб, сохта ҳужжатлар билан гўёки туманининг таълим кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида аттестациядан ўта олган, шунингдек, тоифа сертификатининг амал қилиш мuddати тууганлиги сабабли тоифага эга бўлмаган ўқитувчилар номига сохталаштирилган сертификат расмийлаштирган. Муассасад

"Бизни ўқитаётган кишиларни ўқитувчи, деб тўғри номлашан, лекин бизни ўқитаётганларнинг ҳаммаси ҳам шу номга лойиқ эмас".

(Г'ёме)

ги компьютер воситаси ва рангли принтери ёрдамида сертификат серия-рақами, унга қайд қилинадиган ўқитувчининг фан тури ва шахсига оид маълумотларини ўзгариштириб, сохта сертификатлари тумандаги мактаб директорлари орқали иш ҳақини ҳисоблаш "ЎЗАСБ" электрон дастурига ҳамда мактаблардаги тарификация ҳужжатларига киритган. Сохта буйруқ чиқариш йўли билан тўловга тақдим этиши натижасида, жами 83 та умумтаълим мактабларининг 379 нафар аттестациядан ўтмаган ўқитувчисига асоссиз равишда ортӣқча тўловларга йўл қўйиб, жами 132 миллион 263 миғ 250 сўмлик қўп миқдордаги бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиб, қонун билан қўриланадиган давлат ва жамият манфаатларига жиддий зарар етказган.

Жиноят эса ҳеч қачон жазосиз қолмаган. Олий маълумотли, ўзига

яраша обрў-эйтиборли, аммо олмақнинг бермоғи бор, деган оддий ҳақиқатни унутиб қўйган "қахрамонимиз" ҳам суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлди. М.Ҳақбердиев Жиноят кодексининг 167-моддаси, 3-қисми, "а" банди ва 28, 209-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбдор, деб топилди.

Судда М.Ҳақбердиев ўз кўрсатмасида туман халқ таълими бўлимида кейинги икки йилда шу даргоҳда таълим сифатини мониторинг қилиш бўлими инспектор-методисти вазифасида ишлаганлиги, аттестациядан ўта олмаган ва ўзининг малака тоифасини ҳимоя қила олмаган мактаб ўқитувчиларига ёрдам кўрсатиш орқали уларни вазифасини сифатли амалга ошириш ҳамда туман мактабларининг рейтинг кўрсаткичларини кўтариш, республика миқёсидан тушиб кетмаслигини таъминлаш учун ушбу ишга қўл урганлигини, қилмишидан пушаймонлигини билдирди. Аттестациядан "ийқилган" ўқитувчиларга "муҳрибонлик"нинг сабабини эса тушуниш қийин эмас.

Мазкур иш жиноят ишлари бўйича Нурота туман суди томонидан кўриб чиқилиб, М.Ҳақбердиев мансабдорлик ва моддий жавобгарлик

лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан махрум қилиниб, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтайдиган бўлди. Ва бу ишга нуқта қўйилди.

Аммо мақолага нуқта қўйилмаган олдин, давлат бюджетини талон-торож қилишнинг ҳадисини олган М.Ҳақбердиев томонидан содир этилган жиноят бир ойлик ёки бир йиллик эмаслигини назарда тутадиган бўлса, бу сурункали қонунбузилиши юқори турувчи органлар томонидан ўз вақтида нега назорат қилинмаганлиги, жиноят содир этилишига бамайлпхотир қараб туришдан яна кимлардир манфаатдор эмасмикан, деган ҳақли совопларни келтириб чиқарилиши таъкидлашни истардик. Нима бўлганда ҳам, бундай сурункали "ғамхўрлик", яъни малакаси ўқитувчиларни рағбатлантириш бўйича Хатирчи тажрибаси кен қанот ёйишга улгурмаган бўлса бас...

Зафар ИБРАГИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Нурота туман суди раиси,
Маруза ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

ИНСОҢ ҚОНУН
МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0061-рақам билан
рўйхатга олинган

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Тошқулов Акбар Жўрабоевич
Рабиёев Шеразд Миржалипович
Тожиёв Фурад Шомуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган
қўлхатлар тақриз
қилинади ва мулпифра
қайтарилмайди.
Навбатчи
Мадҳия Авазова
Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137
"ИНСОҢ ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер
базасида терипди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2
босма табоқ ҳажмида, офсет усулида "Ўзбекистон"
нашриёт матбаа ижодий уйда чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси,
30-уй.
Тиражи — 5680
Бўлортма — V-4214

МАНЗИЛИМИЗ:
100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-97
Обуна бўлими: 277-02-57
Баҳоси келтирилган нархда
1 2 3 4 5

ДУНЁДАГИ ЭНГ БИРИНЧИ АДВОКАТЛАР

ДУНЁДА энг биринчи адвокатлар фаолияти Римда бошланган. Рим империясидан бизнинг давримизга қадар ҳуқуқшунослик касбининг бир қанча тизимлари шаклланиб келган. Қуйида инсоният тарихидаги энг таниқли ҳуқуқшунослар, уларнинг иш юритувидаги энг қизиқарли фактларни келтираемиз.

ИЛК АДВОКАТ

Антифон Афинский (мил.авв. 479-409). У илк таниқли адвокатлардан бири бўлиб, уни айбланувчини мунозарали ҳолатларда ҳимоя қилиш учун ёллашган. Уша пайтдаги қонунчиликка кўра, иккала томон ҳам ўз манфаатларини ҳимоя қилишлари керак эди, аммо судга ҳимоячиларни жалб қилиш амалиёти аллақачон ўзгарган эди.

ҲУҚУҚ ҲАҚИДА РИСОЛА ЯРАТГАН ҲУҚУҚШУНОС

Марк Туллий Цицерон (мил.авв. 106-43). У нафақат биринчи адвокатлардан бири, балки давлат ва қонунлар ҳақида рисолалар яратган ҳуқуқшунос ҳисобланади. У Арилотун, Аристотель ва бошқа юнон файласуфларининг асарларидан катта илҳом олган. У ҳам ҳимоячи сифатида ҳам прокурор сифатида иш олиб борган. Милоддан аввалги 61 йилда Рим фуқаролигини ноқонуний равишда олганликда айбланган юнон шоири Авл Лициний Архийнинг суд иши унга оламшумул омад келтирган. Натижада, Цицерон омма онгида ҳимоясидаги шахсни Рим фуқароси бўлмаган тақдирда ҳам, албатта, инсонлар қаторида бўлиши керак, деган фикрни уйғотган.

У КАМБАҒАЛЛАРГА БЕПУЛ ХИЗМАТ КЎРСАТГАН

Фёдор Плевако (1842-1909). Плеваконинг фаолияти камбағал мижозларга бепул ёрдам берадиган ва ҳатто кутилмаган харажатларни қоплайдиган Робин Гудни эслатади. Плеваконинг характеридаги асосий хусусият ажойиб нутқи, истеъдоди бўлган. Ҳатто, айблов ҳуқимига лойиқ бўлган ишларни ҳам ҳал қилиш

унинг ихтиёрида эди. У кўп ишларни "Роббим, бундан ёмонроқ ҳам бўлиши мумкин", деган сўзлари билан бошлар эди. 1874 йилда Москва худудий судида черков ходимаси бўлган "Супер Митрофан"нинг иши кўрилади. Бир нечта жиноятларда айбланган аёлга нисбатан Плевако фуқаровий даъвогар сифатида ҳаракат қилади. Судда айбдор саналган черков ходимаси устидан ўткир нутқ сўзлайди.

ШОУ БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ АДВОКАТИ

Глория Алпред (1941 йилда туғилган). Глория фақат жанжалли ишлари билан танилган, деб ўйламанг. У шоу-бизнес вакиллари ва жамоат арбоблари, ҳимоясиз аёл мижозларининг ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган зиддиятли жараёнларда муваффақият қозониб келган. Масалан, продюссер Харви Вайнштейннинг актрисаларга нисбатан жинсий таъйиқлари ҳақидаги воқеалар бунга мисол бўлади.

Гавҳар ШЕРЖОНОВА, ҳуқуқшунос

ЯҚИНДА "Инсон ва қонун" газетасида интернет, ижтимоий тармоқларга шўнғиган ёшлар, уларнинг бир-бирларига ёзишмаларида мавжуд кўпол имловий хатолар ҳақида танқидий фикрлар билдирилган мақолани ўқидим. Очиги, ҳар кунни, ҳар соатда дуч келадиганимиз ушбу ҳақиқатнинг кўрсатилгани менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Бундай ҳолатда ўқитувчи сифатида омманинг саводи даражасига дахлдор бўлганимиз учун ҳам қайсидадир ўринларда кемтиклар ва хатолар учун жавобгардекмиз.

Саводсизликнинг илдизи қаерда: Ўқувчига телефон керакми?

Интернет замонида ва у орқали барча имкониятлардан самарали фойдаланиш мумкин бўлган асрда яшаймиз. Бунга ортиқча изох бўлиши мумкин эмаски, барча соҳалар каби таълим муассасаларида ҳам интернет тармоқларининг қулай ва тезкор хизматларидан фойдаланилади. Аммо фойдаланишда ҳам тартиб ва мезон бўлиши керак. Гап чек-чегарасиз ахборот оқимида муҳофазаланиш ҳақида ҳам кетаяпти. Катталар, ҳарҳолда, ўзига керакли ва муҳим ахборотни танлай олади. Уларда ахборотни саралай олиш, истаса, ўқимаслик имконияти бор. Аммо ўсиб келаятган ёш авлод ҳақида бундай деб бўлмайди. Улар учун ҳамма нарса қизиқ, ҳар қандай хабар ишончли туюлиши мумкин...

Муаммо нимада?

Савод масаласида, албатта, биринчи тош келиб мактабга урилади. Шубҳасизки, ёзишни, дастлабки энг муҳим билимларни мактабда ўрганаемиз. Кейинги йиллардаги таълим тизимидаги баъзибир оқшашларни четлаб ўтишининг иложи йўқ. Бунга таълимга бепарволик, масъулиятсизлик, моддий аҳолининг танглиги ва яна бир қанча ижтимоий, шу билан бирга, касбий носодиқлигимиз билангина боғлиқ бўлган омиллар ҳам сабаб бўлди.

Шундай бўлса-да, ҳозир хатоларни тиклашга, таълим тизимининг энг тажрибали ва замонавий усулларини қўллаб, фақатгина яхши таълим беришга интилаямиз. Бу борада ўқитувчиларнинг зиммасидаги ортиқча юкларамалар қамайгани, керакисиз қозғозбозликлардан оз бўлса-да халос бўлганимиз, танқидлар туйғайли мажбурий меҳнатга йўл қўйилмаётганини ҳам алоҳида эътироф этиш керак. Вақтимиз фақат ўқувчи билан ишлаш, сифатли таълим билан шуғулланиш учун қоляпти.

Аммо шундай вазиятда ҳам бола онгига четдан бўладиган таъсирлар ҳақида унутмаслигимиз керак. Ўқувчига телефон керакми? Бу саволга ҳар хил жавоб бўлиши мумкин. Қонунчилик нуқтаи назаридан вояга етмаган шахсларнинг шахсий буюмлари ўз мулки ҳисобланади. Бошқа томондан имконияти етган ота-она фарзандига замонавий русумдаги уяли алоқа аппарати олиб бериши мумкин. Шунингдек, боланинг ўзи ҳам таътил пайтида меҳнат фаолияти билан шуғулланиб, даромади

эвазига телефон сотиб олиши оддий ҳол. Бу ўзаро алоқа воситаси ва уни ҳар қандай вазиятда (ҳатто бола онгига зарар келтираяпти, деган мазмунда ҳам) таққиллашнинг имкони йўқ. Шундай бўлса ҳам Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги қарор қабул қилинган. Мазкур қарор асосида Халқ таълими вазирлигининг тегишли буйруғи ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжатлар таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш тартибини белгилайди ҳамда ўқувчиларнинг сифатли таълим олиши, давлат ва жамият манфаатлари йўлида ўқувчи ёшларнинг соғлигини сақлашда хавф-хатарларни қамайтириш, таълим олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган. Унга кўра, таълим муассасасига кириб келишда ҳар бир ўқувчи, ўқитувчи ва бошқа шахслар уяли алоқа воситасини тўлиқ ўчириб қўйиши шарт. Телефон фақат махсус филофларда, сумка ва портфелларда олиб юрилиши керак. Таълим олувчиларга телефон воситаларини буйинга осиб юриш, шим ва юбка чўнтақларида олиб юриш, дарс вақтида эса улардан фойдаланиш қатъиян тақиқланади.

Ижтимоий тармоқ саҳифаларига шўнғиган ёшлар керакми ва уларнинг фарқлай оладими?

Аммо бу қондалар фақат мактаб худудида амал қилади. Бошқа пайтда, айтилган, телефон аппаратига уланган интернет тармоқиди зарарли ахборотлардан ўқувчиларни ҳимоя қилишнинг имкони йўқ. Ҳўш, унда қандай ечим топиш керак? Муаммо асосан турли ижтимоий тармоқлардан (масалан, telegram мессенжери, facebook тармоғи) келадиган хабарлар ва унга фойдаланувчиларнинг ҳаддан ташқари шўнғиб кетиши, керакли-керакисиз хабарларни фарқлай олмаслигида, деб қараймиз. Ижтимоий тармоқларда саҳифаларнинг бениҳоя кўплиги одамни баъзан жуда чағли-тади. Биз катталар айрим ҳолларда расмий веб-саҳифалар ва расмий бўлмаган нашрларни зўрга ажратиб оламиз. Аммо ёшлар-чи? Айтилган, ўқувчи ёшидаги болалар учун интернет нашрларининг бар-

часи бир хил мавқега эга. Кўпгина ана шундай норасмий саҳифаларда чоп этиладиган материаллар эса савияси жиҳатидан нақадар сағэзлиги кўрилади, имловий хатолар ва гализ жўмлалирга тўлиб-тошган, шов-шув кўтариш мақсадигагина қаратилиб, ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайдиган хабарлар нашрнинг асосини ташкил этади. Афсуски, ўқувчи ёшидаги болаларнинг онги ҳам ҳар кунни мана шундай хабарлар куршоғида ва уларни чегаралаб бўлмайди. Улар саводсизларча жўмлаларни шу узуқ-юлуқ маълумотлардан ўрганмаяпти, деб ҳам айтолмаймиз. Шу ўринда ахборот соҳасини назорат қилувчи тегишли органлардан нега ўта савиясиз интернет нашрлари ёки ижтимоий тармоқлар саҳифалари фаолияти давом этаётганиги, улар устидан назорат қай тартибда олиб борилиши билан боғлиқ саволларга жавоб кутамиз.

Китобга ошнолик тарафдоримиз

Ёш авлоднинг тарбиясига қай соҳада бўлмайдик, барчамиз жавобгармиз. Худди шундай ёзишмаларда кўриниб қолаётган саводсизлик даражаси бошимизни эгади. Аслини олганда ана шу бир қаторда тўртта хато жойлашган жўмлалар муаллифларининг ҳаммаси ҳам бевалод эмас, шунчаки, даставвал, шундай ёзиш қулай туюлди, секин-секин одатга айланди ва энг ачинарлиси, энди кўнликмага айланиб бормоқда. Янаям даҳшатлиси, шу ёзув, шу савод даражаси билан ҳеч ким бир-бирдан йиманмайди. Кимгадир замонавий йўсинда ўз телефони орқали хат йўллаётган инсонни "ёзувимдан мен ҳақимда нима деб ўйлашади?", деган ташвиш ўйлантирмай қўйди.

Мактабда дастлабки билимларни олган шахсни кейинчалик ижтимоий ҳаёт, унинг ҳар бир жабҳаси тарбиялайди. Катта ҳаётга қадам қўётган авлод учун эса барча йўллар тоза бўлиши керак эмасми? Биз эса мактаб ёшида ўқувчиларни имкон қадар интернет ёки уяли телефонлардан йироқроқ, ҳақиқий билим сари интилган ҳолда китобга ошно бўлишлари тарафдоримиз.

Лутфия АВАЗОВА, Бойсун туманидаги 47-мактаб ўқитувчиси

ЭЪЛОНЛАР

Жумаева Дилором Чориевнага Республика тиббиёт коллежи томонидан 2019 йилда берилган №5816472 рақамли диплом топишгани сабабли ўз кучида қолди, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Наманган вилоят худудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2020 йил 20 июндаги 2-сонли қарори ва бошқарманинг 2020 йил 22 июндаги 114-ум-сон буйруғига асосан адвокатлар Абдуллаев Сухбатилло Халилжанович ва Душаев Мадамин Махсудовичларнинг адвокатлик мақоми тикланди.

Адлия вазирлиги ҳамда Интеллектуал мулк агентлиги жамоаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги директори Тўлқин Абдусаттаровга падари бузруквори Сайфулла ота АБДУСАТТАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент давлат юридик университети жамоаси университетнинг меҳнат ҳуқуқи кафедраси мудир Динара АТАЖАНОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Мадад" муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти Сурхондарё вилояти Олтинсой туман ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси Чоршамс Тилововага укаси Чингиз ТИЛОВОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.